



УЛУҒ АЙЁМ КУНЛАРИ ИНСОНЛАРГА МЕХР-МУРУВВАТ КЎРСАТИШ, МАҲАЛЛАЛАРДАГИ ОБОДЛИК ВА БУНЁДКОРЛИК ҲАЛҚИМИЗГА ХОС ЭЗГУ ҚАДРИЯТ

Президент Шавкат Мирзиёев 19 март куни Тошкент шаҳридаги саноат ва ижтимоий соҳа объектлари фаолияти, маҳалладаги ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари билан танишди, баҳорги дарахт экиш тадбирида иштирок этди.



Дастлабки манзил Кузов-механика заводи бўлди.

Қирқ гектардан зиёд майдонли бу завод бир пайтлар тўлиқ ишламай, паст рентабелли бўлиб қолган эди. Шу боис, “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти тасарруфига ўтказилиб, 2013 йилда модернизация қилинди. Сўнгги йилларда маҳаллийлаштириш жадал кенгайиб, унинг иқтисодий самарадорлиги янада ошди.

Бугун мажмуа йилига 1 минг 200 та юк вагони ишлаб чиқариш ва 1 минг 500 тасини таъмирлаш қувватига эга барқарор корхона.

Вагонлар таркиби ҳам талабгир. Жумладан, ярим очик, усти ёпиқ, узун базали ҳисобига қувоҳ цехи барпо этилган. У йилига 26 минг тонна маҳсулотлар тайёрлашга мўлжалланган. Бу ерда темир йўллар эксплуатацияси ва ҳаракат таркибиди ишлатиладиган барча турдаги эҳтиёт қисмлар қўйилади.

Металл қўйиш оғир саноатнинг энг муҳим тармоғи, таъбир жоиз бўлса, “юраги” ҳисобланади. Бу ерда 120 миллион доллар ҳисобига қувоҳ цехи барпо этилган. У йилига 26 минг тонна маҳсулотлар тайёрлашга мўлжалланган. Бу ерда темир йўллар эксплуатацияси ва ҳаракат таркибиди ишлатиладиган барча турдаги эҳтиёт қисмлар қўйилади.

Давлатимиз раҳбари ушбу маҳсулотларни кўздан кечирди.

— Бугунги кундаги энг катта мақсадимиз — кўпроқ иш ўринлари яратиш. Масалан, бу йил мамлакатимизда 100 мингта уй қурмоқчимиз. Улар қачон одамларга маъқул бўлади? Ёнида иш ўрни билан бўлса. Шунинг учун ҳудди томорқаларда бўлаётганидек, кўп қаватли уйлар бўйича ҳам маҳаллаларда иқтисодий лойиҳалар қилинади. Қайси хонадонда ишиси бўлса, бандлигига қўмақлашади. Бунда мана шундай заводлар муҳим, — деди Шавкат Мирзиёев.

Шу боис, мажмуада шаҳарсозлик, коммунал ва бошқа тармоқлар учун ҳам

маҳсулотлар ишлаб чиқариш, бу имкониятлар билан тадбиркорларни таништириб, буюртмаларни кўпайтириш кераклиги таъкидланди. Бу, ўз навбатида, турдош тармоқларда ҳам иш ўринлари очилишига туртки беради.

Заводда юк вагонлари қуриш, механика йиғув, гилдирак йиғув, қувоҳ, таъмирлаш, темирчилик ва пресслаш, тайёрлов ва комплекташ каби 26 та цех бор. Президентимиз мажмуа бўйлаб юриб, улардаги иш жараёнини кўздан кечирди.

Корхонада 2018-2023 йилларда маҳаллийлаштириш дастури бўйича 100 га яқин турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш ўзлаштирилган. 2023 йилда жами 267 миллиард сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилган, 10 миллион долларлик 170 та вагон ва эҳтиёт қисмлар экспорт қилинган. Жорий йилда экспорт ҳажмини 15 миллион долларга етказиш бўйича шартномалар имзоланган.

Корхонада халқаро стандартларга мувофиқ ISO 9001 сифат менежменти ва ISO 50001 энергетика менежменти тизими жорий этилган.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари пойтахтимизнинг Сергели туманида ташкил этилаётган Ёшлар боғига қўчат ўтқазди.

Маълумки, Президент ташаббуси билан 2021 йилдан буён “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси амалга оширилмоқда. Жумладан, экологик вазиятни яхшилаш мақсадида Тошкентнинг “яшил белбоғи” ташкил этилмоқда. Ёшлар боғи шу ҳалқанинг муҳим бўғини бўлади.

Давлатимиз раҳбарига боғ лойиҳаси ҳақида ахборот берилди. Унинг майдони 75 гектардан зиёд бўлиб, ҳудуди жиҳатидан пойтахтимизда “Янги Ўзбекистон” боғида кейин иккинчи ўринни эгаллайди.

Боғ еттига катта ҳудудга бўлинади. Марказий хиёбонда турли майдонлар,

минг ўринли очик амфитеатр, миллий ва халқаро гастрономик зоналар барпо этилади.

Очиқ ҳавода овқатланиш ва қизиқарли машғулотлар учун алоҳида жойлар бўлади. Мусикий фавворалар, очик осмон остидаги кинотеатр, санъат кўргазмалари ва лазер-шоу имкониятлари яратилади. Болалар учун спорт ва ўйин майдонлари, машҳур эртақлардаги кишлоқлар, устахона, кутубхона ташкил этилади. Сунъий кўл, каноэ ва сузгиш ҳавзаси, балиқ ови дам олувчиларга ҳузурбахш бўлади.

Шу кун Тошкент шаҳри жамоатчилиги, давлат ташкилотлари ва дипломатик корпус вакиллари, ёшлар иштирокида боққа кўчатлар экилди.

Президент боғ лойиҳасида қатнашаётган инвестор ва лойиҳачилар, чет эллик дипломатлар билан мулоқот қилди.

— Халқимиз қаерда бўлса, дарахт экишга интилган. Амир Темур Самарқанд атрофида сўлим боғлар барпо этган, бошқа шаҳарларни ҳам обод қилган. Буюк болоболаримизга муносиб бўлиб, бу ишларни қиялпимиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари боққа келган юртдошларимиз билан суҳбатлашиб, уларни Наврўз билан табриклади.

Боққа биринчи босқичда минг тупдан зиёд каштан, эман, шарқ чинори, қизил қуртак, магнолия, гуҷум каби манзарали дарахтлар ҳамда бута ва гуллар экилади. Лойиҳа якунига қадар уларнинг сони 20 минг тупга етади.

Яна бир эътиборли томони, бу боғда табиийлик, ўрмон шакли, экзотик манзара ҳосил қилинади. Боғ фойдаланишга топширилиши билан 350 тадан ортиқ иш ўрни яратилади.

Айни кунларда ҳам ҳудудларда кўчатлар экилмоқда. Умуман, юртимизда 347 гектар майдонда “яшил ҳудуд”, 187 та вазирилик ва ҳокимлик боғлари барпо этилган.

Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент йўловчи вагонларини қуриш ва таъмирлаш заводини бориб кўрди.

Мамлакатимизда темир йўл транспорти ривожланиб, қатновлар сони кўпаймоқда. Бу вагонларга бўлган талабни ҳам оширади. Мазкур заводда 16 турдаги йўловчи вагонлари ишлаб чиқарилади ва таъмирланади.

Ўтган йили корхонада 32 та йўловчи вагони тайёрланиб, 319 таси таъмирланган. Муҳими, кооперация орқали эҳтиёт қисмларнинг 70 фоизи маҳаллийлаштирилган.

Умуман, аввалги йилларда 300 дан зиёд йўловчи ва техник хизмат вагонлари ишлаб чиқарилиб, 50 дан ортиги экспортга юборилган. Бундан ташқари, 112 та метрополитен вагонлари модернизация қилинган.

Улар 28 йил давомида фойдаланишга мўлжалланган ва халқаро талабларга тўлиқ жавоб беради, йўловчилар учун ҳар томонлама қўлай, юқори сифат ва хавфсизликка эга.

Вагонларда иситиш ва совитиш тизимлари, ҳаво айланиши янада яхшиланган. Сув иситиш ускунаси ҳам электр энергиясида, ҳам кўмирда ишлашга мўлжалланган. Йўловчиларни тоза ва салқин ичимлик суви билан таъминлаш, телефон қувватини тўлдиргиш учун махсус мосламалар ўрнатилган. Бу ерда 619 нафар муҳандис-ишчи меҳнат қилмоқда.

Президентимиз вагонларга чиқиб кўрди. Уларнинг дизайнини ўзгартириш, йўловчиларга қўлайликларни ошириш зарурлигини таъкидлади. Электр поездлар тармоғини кенгайтириб, аҳоли кўп туманларга олиб бориш, соҳанинг алоҳида генерация қувватларини ташкил этиш бўйича топшириқлар берилди.

Жорий йилда яна юзлаб вагонларни қуриш ва таъмирлаш режалаштирилган. Бундан ташқари, кон-металлургия корхоналари учун махсус вагонлар қуриш, кенг купели янги турларни ўзлаштириш кўзда тутилган.

Шу ерда заводда режалаштирилаётган янги йўналиш — электр ва метрополитен поездлари лойиҳаси кўриб чиқилди.

Шунингдек, Тошкент — Хива йўналишига қўйилмаган тезорав поезд ҳақида ахборот берилди. Президентимиз бу ҳақда 2022 йилда Хоразмда Жалолiddин Мангуберди ҳайкалининг очилиш маросимида айтиб ўтган эди. Бу учун Жанубий Кореянинг “Hyundai Rotem” компаниясидан юқори тезликдаги электропоезд олиб келиниши мўлжалланган. 7 вагонга эга электропоезд 351 та ўриндиққа эга бўлади. Соатига 250 километр тезликда ҳаракатлана олади.

Пойтахтимизнинг Яккасарой туманидаги Дилбўлоқ маҳалласига бу йилги Наврўз янада кўтаринкилик билан келди. Давлат хусусий шериклик асосида замонавий маҳалла идораси қурилди. Кўп қаватли уйлар йўлагига ва ички кўчалар, ертўзалар таъмирланди. Анхор бўйи тартибга келтирилиб, обод сайилгоҳга айлантирилди. Ишқомлар, ниҳоллар, пиёдалар йўлакларига маҳаллага кўрк бағишлади.

Ўтган йили кузда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида қарийб 4 минг туп дарахт ва бута қўчати ўтказилган эди. Шу кунларда кўп қаватли уйлар олдидики майдонларга райхон, намозомгул каби гуллар экилди.

Дилбўлоқ маҳалласида 6 минг 700 нафардан зиёд аҳоли яшайди. Маҳалла хизмат кўрсатиши ва ишлаб чиқаришига

ихтисослашган. Уч юзга яқин савдо, саноат ва хизмат кўрсатиш шохобчаларида маҳаллий ёшлар ва аёллар ишламоқда. Мактаб-гача таълим ташкилоти, оилавий поликлиника, ихтисослаштирилган спорт мактаби, педагогика институти филиали фаолият юритмоқда.

“Хавфсиз маҳалла” тамойили асосида ҳудудга 360 та видеоқўзғатув мосламалари ўрнатилган, улар маҳалла профилактика инспектори хизмат хонасига уланган.

Ўтган йили 112 киши ишга жойлаштирилиб, 181 нафари ўзини ўзи банд қилган. Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш учун 23 та лойиҳага кредит ва ўнга яқин фуқарога субсидия ажратилган. Хусусан, бу ерда тикувчилик цехи, гўзаллик салони, полиграфия ва компьютер хизматлари, кутубхона, озиқ-овқат ва қандолат дўконлари ташкил этилган.

Давлатимиз раҳбари ушбу мажмуаларни кўздан кечирди, маҳалла аҳли билан санимий суҳбатлашди.

— Аввало, сизларни улуг айём кунлари, келаётган Наврўз билан табриклайман. Маҳаллангиздаги ободлиқни, иш жойларини, байрам нафасини кўриб, хурсанд бўлдим. Нима учун ҳудудларда кўп юраман? Чунки мен одамларга ишонаман. Ҳамма маҳаллаларни шундай ўзгартиришга ҳаракат қилишимиз керак. Мамлакатимизда 9 минг 450 та, Тошкентда 585 та маҳалла бор. Ҳозир уларга иқтисодий комплекс ташкилотлари бириктирадикан тизим қиялпимиз. Мақсадимиз — ҳар бир хонадонга, ҳар бир инсонга етиб бориш. Халқнинг розилиги, дуоларига муносиб бўлиш ҳаммамизга насиб этсин, — деди Президент.

Шу борадаги манзили чора-тадбирлар “маҳалла еттилиги” ва мутасаддилар билан мулоқотда муҳокама қилинди.

— Хабарингиз бор, иқтисодий комплекс ташкилотларини маҳаллаларга бириктирялпимиз. Бунда банкларнинг ҳам ўрни бор. Улар орқали туманлардаги корхоналарга қўшимча шароит яратиб, енгил кредитлар бериб, яна иш ўринлари очишини кўллаб-қувватлаш керак. Энди маҳаллалар ҳам замонага муносиб, ҳаракатчан бўлиши лозим. Умуман, ишлайман деган одамга шароит яратиб беришимиз шарт, — деди давлатимиз раҳбари.

Мутасаддилар иқтисодий комплекс фаолиятини маҳаллаларда ташкил этиш, шаҳар шароитида одамларни иш билан таъминлаш вазифалари тўғрисида ахборот берди.

Сўнг давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ногиронлиги бўлган болалар учун 1-сонли “Мурувват” интернат уйини бориб кўрди.

Ўзбекистон — ижтимоий давлат. Бу халқимизнинг азалий қадриятларига, бугунги инсонни қадрлаш тамойилига мос. Сўнгги беш йилда “Мурувват” уйларида давлат бюджетидан ажратилган маблағлар 3 баробардан зиёд ошган. Улардаги ходимлар ва ўринлар сони ҳам кўпайтирилган.

Аҳолига сифатли хизмат ва ёрдам кўрсатиш мақсадида ўтган йили Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ташкил этилган эди. Пансионат, реабилитация маркази каби қўллаб-қўллаб ижтимоий муассасалар қатори “Мурувват” уйлари ҳам ушбу агентлик тизимига ўтказилди.

Ўтган йили бундай муассасалар учун давлат бюджетидан 624 миллиард сўм

ажратилди. Шунингдек, уларни дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлаш учун аввалгига қараганда икки баробардан ортиқ маблағ берилмоқда.

Илгари “Мурувват” уйлари ўртасида ҳамкорлик бўлмаган. Ҳозир улар ўзаро фикр алмашиб, самарали усуллارни, таълимдаги тажрибаларни татбиқ этмоқда.

Давлат ғамхўрлиги натижасида Тошкентдаги ушбу “Мурувват” уйи ҳам янги қиёфага кирди. Қўшимча бино қурилиб, эски бинолар капитал таъмирланди. Ёзги спорт зали, ногиронларни парваришлаш ва жисмоний доволаш бўлимлари, тиббиёт ва машғулот хоналари, фойдалар зали, кутубхона, ётоқхона ва ошхона бутунлай янгиланди. Ҳар бир бўлим, махсус хоналар талаб даражасида жиҳозланди. Ҳаракатланиши қийин болалар махсус аравачалар билан таъминланди.

Муассасада руҳиятида сезиларли нуқсон бор 4 ёшдан 18 ёшгача бўлган болаларга тиббий-ижтимоий хизмат кўрсатилади. Бугунги кунда 299 нафар ўғил-қиз васийликка олинган. Уларга 334 нафар ҳодим, жумладан, малакали педагог, дефектолог ва шифокорлар ёрдамлашмоқда.

Шавкат Мирзиёев болаларнинг машғулотларини бирма-бир кузатди. Улар билан суҳбатлашиб, меҳрини изҳор қилди. Шароитларни яхшилаб, қўлайликлар яратиб, ногиронлиги борларнинг иложи борица ҳаётда ўрин топишига қўмак кўрсатилишини айтди.

Президентимиз бунда ижтимоий хизмат ходимлари иштини эътироф этиб, болаларга меҳр-муруввати учун миннатдорлик билдирди.

— Болаларимизга яхши қараётганингиз учун катта раҳмат ташлаб. Бу оғир меҳнат, лектин жуда савобли ва керакли меҳнат, — деди давлат раҳбари.

Болаларни имкон қадар реабилитация қилиш ва ҳаётга мослаштириш, ота-оналарга психологик ёрдам бериш масалалари бўйича фикр алмашилди. Сўнгги йилларда имконият ва тизим пайдо бўлгани, бошқа ижтимоий муассасалардаги шароитларни ҳам яхшилаш зарурлиги таъкидланди.

Эңдилиқда “Мурувват” уйлари замонавий реабилитация жиҳозлари билан таъминланиб, ўз иштини янги концепция асосида йўлга қўйди. Унга кўра, болалар индивидуал ривожланиш дастурлари асосида жамиятга интеграция қилинади. Барча “Мурувват” уйларида учрашув хоналари ташкил этилади.

Шунингдек, “Қўллаб-қувватлаш клублари” тузилиб, малакали мутахассислар васийларга ногиронлиги бўлган болани парваришлаш, оила шароитида тарбиялаш ва жамиятга мослаштириш бўйича билимлар беради. Алоҳида таълимга тавсия берилмаган, оғир даражадаги касалликлари мавжуд болалар учун “Гамхўрлик гуруҳи” ташкил этилади. Барча ҳудудий реабилитация марказларида ногиронлиги бўлган болалар учун шундай хизматлар йўлга қўйилади.

Муассасанинг қозонхонаси ва муҳандислик тармоқлари ҳам тўлиқ янгиланган. Ҳудудга манзарали ва мевали дарахт кўчатлари экилиб, ташқи ёритиш чироқлари ўрнатилган, йўлаклар асфальтланган.

Муборак Рамазон ойида беморлар ҳолидан хабар олиш, инсонларга янада меҳр-эътибор кўрсатиш халқимизнинг эзгу қадриятидир.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Икром АБВАЛБОВЕВ,
ЎЗА мухбирлари

ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ ЗАЙНИДДИН НИЗОМХЎЖАЕВ ФАХРИЙ УНВОН БИЛАН ТАҚДИРЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг фармониға мувофиқ, Марказий сайлов комиссияси раиси Зайниддин Низомихўжаев давлат ҳокимияти вакиллик органлари ҳамда мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимидаги кўп йиллик самарали меҳнати, юртимизда миллий сайлов тизимини умумэтироф этилган халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш, демократик ислохотларни муваффақиятли

амалга ошириш, фуқароларнинг конституций ҳуқуқларини рўйбга чиқариш борасидаги катта хизматлари, юксак салоҳиятли кадрларни тайёрлаш, ёш авлодни она ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашга қўшган муносиб ҳиссаси, шунингдек, таваллудининг 70 йиллиги муносабати билан “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси” фахрий унвони билан тақдирланди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Зайниддин Низомихўжаевга ушбу юксак унвон ва кўкрак нишонини топишди.

Тиббиёт фанлари доктори, профессор З.Низомихўжаев узоқ йиллар қатор масъул лавозимларда фидокорона меҳнат қилган. У 2014 йилда “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвони билан мукофотланган.



Айни кунларда она диёримизда яшариш ва янгилиниш рамзи, шарқона янги йил — Наврўзи оламини кутиб олиш ва уни кенг нишонлашга алоҳида тайёргарлик қўрилмақда. Президентимизнинг “2024 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарори қадимий ва асл миллий байрамимизни ўзига хос ўтказиш йўлида муҳим ҳужжат бўлди.

Ижтимоий ҳимоя

МЕХР БОР ЖОЙДА УМИД ВА ИШОНЧ МУЖАССАМ

Сардорбек ЭРГАШЕВ,
Ижтимоий ҳимоя миллий
агентлиги Тошкент вилояти
бошқармаси бошлиғи

Инсоннинг қувват манбаи умид ва ишончда. У келажагига ишонса, эртага бутундан ҳам яхши бўлишига умид қилса, ҳар қандай тўсиқни енгиб ўта олади. Жамиятда шундай тоифа кишилар борки, уларга ён-атрофдагилар далда бериб туриши зарур. Шундагина уларнинг кўнглидаги умиди аланга олади. Негаки, улар ижтимоий, руҳий ҳимояга муҳтож шахслар. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги айнан шундай инсонларга ёрдам бериш мақсадида ташкил этилган.



Жорий йил 20 февралда ижтимоий ҳимоя соҳасидаги устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида мазкур йўналишдаги ишлар яна бир бор таҳлил этилиб, янги вазифалар белгилаб берилди.

Таъкидлаш керакки, Тошкент вилоятида ўтган давр мобайнида яратилган тизим натижасида қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Жумладан, агентлик ташкил топгунга қадар вилоятда 197,6 минг нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож шахслар бор эди. Дастлаб ҳолатга ҳаққоний баҳо бериш учун агентликнинг вилоят бўлими ва маҳаллалар ҳамкорлигида қайта хатлов ўтказилди. Натижада бу иш ўз вақтида, ўринли бажарилгани ойдинлашди. Сабаби, шу вақтгача 8,7 минг нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқаро эътибордан четда қолган экан. Янги тизимнинг имкониятларидан фойдаланиш, ушбу шахслар 12 тоифага ажратиб олинди.

Вилоятимизда 1700 нафарга яқин ёлғиз ва ўзгалар парваришига муҳтож кексалар, қарийб 70 минг нафар ногиронлиги бўлган шахслар, 3,5 мингга яқин уйсизлар ва 3 мингдан ортиқ ўн саккиз ёшгача етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар борлиги аниқланди.

Бундан ташқари, қийин вазиятга тушиб қолган оилалар, жазони ижро этиш муассасасидан озод этилган шахслар ҳам бор. Ушбу тоифадаги одамларнинг муаммолари турлича, аммо уларнинг ҳар бирини бир вақтнинг ўзида ҳал этиш керак. Бундай тоифалаш эса айнан шу ишни тизимли ташкил этиш, ишларни пухта режа асосида олиб боришда қўл келди.

“Ягона ижтимоий ҳимоя реестри”да турувчи ижтимоий нафақа олувчи оилалар сони 2023 йил 1 сентябрь ҳолатига 101,3 минг нафарни ёки жами оилалар сонига нисбатан 11 фоизни ташкил этган. Янги жорий этилган автоматлаштирилган тизим орқали ва худудий штаблар томонидан олиб борилган ишлар натижасида ҳозирги

Аввал етим болага давлат томонидан эътибор, маълум бир ёш, яъни 18 ёшгача этиб белгиланган эди. Эндиликда ушбу ёш кўрсаткичи 21 ёшгача узайтирилди. Авваллари олийгоҳларга ўқишга кирган етим болаларнинг кейинги тақдири мавҳум бўлиб қоларди. Энди эса янги тизим туфайли олийгоҳни тугатгач, уларни ишга жалб этиш орқали давлатга, жамиятга мослашувини таъминлаш назарда тутилмоқда.

кунда 20,4 минг оиланинг турмуш даражаси яхшиланди. Натижада “Ягона ижтимоий ҳимоя реестри”дагилар сони 9 фоизга камайди.

Албатта, мақсадимиз кўрсатилаётган ёрдам ҳажмини камайтириш эмас. Аксинча, ижтимоий ҳимояни тўғри ташкил этиб, унинг ўз эгаларига аниқ етиб боришини таъминлаш орқали натижадорликка эришиш. Шу нуқтаи назардан, ўтган даврда нафақа олувчи оилаларни ишга ва тадбиркорликка жалб қилишга эътибор қаратилди. Натижада улар барқарор даромад манбаига эга бўлгач, реестрдан чиқариляпти. Айрим ҳолларда “маҳалла еттилиги” томонидан молиявий томони барқарор оилалар аниқланди. Уларга янги тартиб тўғрисида тушунтириш ишлари олиб борилиши натижасида ижтимоий нафақа олувчилар рўйхатидан чиқарилди. Муҳими, берилаётган нафақа пуллари ҳақиқий муҳтожларга йўналтирилиши эвазига ижтимоий адолат таъминланмоқда.

Давлатимиз раҳбари ижтимоий ҳимоя соҳасидаги хизматлар қамровини янада кенгайтириш бўйича устувор вазифалар юзасидан ўтказган видеоселектор йиғилишида қатор вазифаларни белгилаб берди. Жумладан, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигига вилоят ҳокимлари билан бир-

галикда барча маҳаллаларда ижтимоий ходимлар фаолиятини йўлга қўйиш топширилди.

Шундан келиб чиққан ҳолда, қатор вазифалар аниқлаб олинди. Туман (шаҳар) лардаги “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари ходимларининг асосий вазифаси ва фаолият йўналишлари аниқ белгилаб берилди. Улар оғир аҳволга тушиб қолган ва оғир аҳволга тушиб қолиш хавфи юқори бўлган 206,3 минг ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолига бевосита маҳалла даражасида комплекс ёндашув асосида профессионал ижтимоий хизматлар кўрсатмоқда.

Қолаверса, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолининг эҳтиёжлари ва мавжуд имкониятларини баҳолаш орқали уларга индивидуал тартибда ижтимоий хизмат ва ёрдамлар кўрсатиш режаси ишлаб чиқилди. Бундан ташқари, ички ресурслардан ҳам оқилона фойдаланиш назарда тутилмоқда. Масалан, кўнгилчиларни, дейлик, қариндош, қўни-қўшнилар ёки волонтерларни ижтимоий хизмат ва ёрдамлар кўрсатишга жалб қилиш. Бунинг учун уларнинг мазкур

сонини ҳисобга олиб, 426 нафар ижтимоий ходим бириктирилиши белгиланган. Тажриба тариқасида Янгийўл ва Тошкент туманлари танлаб олиниб, 2023 йилнинг октябрь ойидан бошлаб маҳаллабай ижтимоий хизмат кўрсатиш ташкил этилди. Янгийўл туманида 28 нафар, Тошкент туманида 26 нафар ижтимоий ходим учун маҳалла биноларидан хона ажратилиб, зарур моддий-техник воситалар билан таъминланди.

Натижада ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатлами билан индивидуал ишлаш бўйича 310 та “Кейс” муаммолар базаси шакллантирилди. Масалан, Янгийўл туманидаги Писталик маҳалласида яшовчи Венера Амировага тўрт ва ундан ортиқ маротаба нафақа тайинланган экан. Ижтимоий ходим томонидан ушбу ҳолат бўйича “Кейс” очилиб, комплекс баҳоланди. Оила билан амалга оширилаётган ижтимоий ёрдам ва хизматлар режаси ишлаб чиқилди.

Унга асосан, “Инсон” маркази ижтимоий ходими ҳамда мактабгача ва мактаб таълими фаоли томонидан фарзанди тумандаги хусусий богача, ўзи гўшт маҳсулотларини қайта ишлаш корхонасига ишга жойлаштирилди. Фуқаро мунтазам иш ҳақи олишга эришгач, кам таъминланган оилалар рўйхатидан чиқарилди.

Қолган 20 та шаҳар ва тумандаги 372 нафар ижтимоий ходим учун ўзлари бириктирилган маҳаллалар жойлашувидан келиб чиқиб, маҳалла биносидан алоҳида хона ажратилди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мазкур тадбирларнинг амалга оширилишида маҳаллий ҳокимликларнинг роли катта бўлмоқда. Чунки улар томонидан ижтимоий ходимлар учун кулай шарт-шароит яратиш ҳамда давлат ташкилотлари билан bogлаб туришда маълумотлар базасини аниқлаштириш ва далиллаштиришга олиб келинди.

Президентимизнинг жорий йил 12 январдаги “Ўзбекистон Республикасида тўсиқсиз туризм инфратузилмасини ривожлантириш ва уни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қароридида туризмда барча фуқаролар учун тенг имкониятлар яратиш назарда тутилган. Бунинг учун ногиронлиги бўлган шахсларнинг

туризм инфратузилмаси ва маданий мерос объектларида эркин ҳаракатланиши бўйича зарур шарт-шароитларни таъминлаш керак бўлади.

Қарорда мазкур вазифанинг аниқ йўналишлари — туристик индустрия объектлари, маданият ташкилотлари ва маданий мерос объектлари, жумладан, музей, театр ва жойлаштириш воситаларида ногиронлиги бўлган шахсларнинг бемалол ҳаракатланиши учун зарур шарт-шароит яратиш йўллари кўрсатиб ўтилган.

Ногиронлиги бўлган шахслар саёҳатга чиққанида бемалол ҳаракатланиши учун йўлақлар, дам олиш жойларида махсус ўринлар бўлиши талаб этилади. Мана шунга ўхшаш кичик кўринадиган, аммо катта аҳамиятга эга кенг қамровли ишларни бажариш мақсадида биз дастлаб Зангиота зиёратгоҳини ногиронлиги бўлган шахсларга мослаштиришни режа қилдик. Шу билан бир қаторда, Бўстонлиқ ва Паркент туманларида туризм йўналишида фаолият юритаётган муассасаларни ногиронлиги бўлган шахсларга мослаштириш орқали уларнинг соғлом турмуш тарзига, ижтимоий мослашувига эришишини ҳам мақсад қилганимиз.

Жорий йилдан бошлаб маданий мерос объектларини реставрация қилиш ва тиклаш учун давлат бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида ногиронлиги бўлган шахсларнинг тўсиқсиз ҳаракатланиши учун маданий мерос объектларида, уларга шикаст етказмаган ҳолда, пандус, плиттус ва лифтлар ҳамда кўзи ожизлар учун ушбу манзилларнинг кичрайтирилган ўлчамдаги макетлари ўрнатилади. Улар тўғрисида брайль алифбосида маълумотлар жойлаштирилади. Бунда биз вилоятдаги 5096 нафар ижтимоий хизматлар “Ешларга киради” янгиликлардан хабардор қилиш, маданий ва сиёсий билимнинг ошириш ва жамиятга мослашувини таъминлашга эришамиз.

Мамлакатимизнинг таянч кучларидан бири — ёшлар. Афсуски, улар орасида ҳаёт синовларига эрта дуч келган, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам бор. Улар ҳаётда ўз ўрнини топиши учун бутун жон қуйдиришимиз шарт. Шу боис, давлатимиз раҳбари топиригига асосан, вилоятда васийлик, ҳомийлик, патронатга олинган ҳамда оилавий

Давлатимиз раҳбари ижтимоий ҳимоя соҳасидаги хизматлар қамровини янада кенгайтириш бўйича устувор вазифалар юзасидан ўтказган видеоселектор йиғилишида қатор вазифаларни белгилаб берди. Жумладан, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигига вилоят ҳокимлари билан биргаликда барча маҳаллаларда ижтимоий ходимлар фаолиятини йўлга қўйиш топширилди.

Бир маҳалла — бир маҳсулот

Жарқўрғон туманидаги Авлод маҳалласида яшовчи 72 ёшли Хўжақул Холбеков умри давомида турли соҳа ва жабҳаларда меҳнат қилди. Ҳаётининг 70-довонидан ўтганидан кейинги ҳулосаси шу бўлдики, одамнинг бўлар жойи ҳам, борар жойи ҳам ер экан. Бир неча йиллар аввал фарзандларига бош бўлиб, хорижда ҳам ишлаб келди. Ёши улуглигинг, кайвонилигингни ўз уйингда, кўчангда, маҳаллангда кўтаришар экан, ўзга элда эмас. Кўнгли оғриб, болаларини эргаштириб қайтди.

Оиланинг бошлиғи — отахон ҳар бир фарзандига ер бўлиб берди. Йиллар давомида йўнғичқадан бошқа экин кўрмаган, бунинг ортида солиғи ҳам бирмунча пул бўлиб кетадиган ҳайҳотдек томорқа бўлиниб, тезда ихчам ва кўркам ҳолга келди-қолди.

Ерни боқса, ер ҳам инсонни боқар экан. Шу томорқалар ортидан замонавий уйлар қурилди, оилалар бутланди, тўйлар қилинди. Хўжақул бобонинг ортидан қўни-қўшнни эргашди ва маҳалла сабзавотчиликка ихтисослашди. Бугун маҳалланинг ўзида юк машиналарга ортिलाётган сабзавот маҳсулотлари хорижий давлатларга пешма-пеш экспорт қилинмоқда. Бобонинг айтишича, умри давомида ерга муносабат ва ундан олиннадиган фойда ҳеч вақт бу каби тизимли бўлмаган.

Жарқўрғон туманидаги яна 51 маҳалла Авлод маҳалласи каби “Бир маҳалла — бир маҳсулот” тамойили асосида маҳсулот етиштиришга ихтисослаштирилган. 2022 йилда бундай маҳаллалар сони 41 та бўлса, 2023 йилда 52 тага етказилди. Натижада жорий йил ҳосили учун 48 минг 674 та хонадондаги 4300 гектар томорқадан самарали фойдаланиш йўлга қўйилди. Авлодликлар 149 гектар майдонда деҳқончилик қилиб келади. Шундан 20 гектарида қарам, 22 гектарида булғор қалампири ва қизил лавлагги етиштирилади. Бундан ташқари, 107 гектарда узумзор ҳам ташкил этилган. Авлодлик деҳқонларнинг айтишича, улар етиштираётган турли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нафақат ички бозорга, балки қўшни вилоятлар ва хорижга ҳам мунтазам етказиб берилмоқда.

— Жарқўрғоннинг қуёши саховатли, тупроғи олтинга тенг. Ерга нима қадасанг, унади. Маҳалламиз сабзавотчиликка ихтисослашётгани ортидан биз каби деҳқонлар шижоати янада ортди, ютуқларимиз йил сайин яхшиланиб борапти, — дейди томорқа ер эгаси, меҳнат фахрийси Хўжақул Холбеков. — Бугун турвасини кўтариб, четда ишлайман деб жўнаганни костюми-



дан тортиб, томорқаларимизни бир айлантираман. Авлодда иссиқхоналар сони кўн сайин ортиб бораётди.

Жарқўрғон туманида ўтган йили жами 20 гектар иссиқхоналарда 641,7 тонна маҳсулот етиштирилган. Жорий йилда эса иссиқхона қурилган майдон 51,7 гектардан ошди. Ҳосилдорлик ҳам 2023 йилдагидан 1,2 баробар ортиши кўзда тутилган.

Ангор туманидаги Баҳор маҳалласи миришкорлари ҳам қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда катта тажрибага эга. Маҳаллада қарам, гулқарам, дайкон, қизил қарам каби харидориги маҳсулотлар етиштирилади ва асосан, экспорт қилинади. Маҳсулот экспорти учун ҳудудда логистика маркази ва хизматлар кўрсатиш йўлга қўйилгани самараси бу. Энди маҳаллада қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қадқоқ

лаш учун ишлатиладиган воситалар тайёрлаш бошланмоқда.

64 ёшни қаршилаган Омонгелди Саиднафасов маҳалланинг олди деҳқонларидан бири. У 4 сотих иссиқхонада фарзандлари билан меҳнат қилади. Ҳозир улар помидор кўчатларидан юқори ҳосил олиш учун зарур агротехник тадбирларни бажараяпти.

— Томорқа — кони фойда, — дейди Омонгелди Саиднафасов. — Бир йилда уч марта ҳосил оламиз. Аввал помидор, кейин бодринг, унинг ортидан кўкат экаимиз. Масалан, шу йил бир кило кўкатни 35 мингдан ҳам сотдик. Ишласанг, шу бир қарич ердан уй қилса ҳам, тўй қилса ҳам бўлади.

Ўтган йили маҳаллада деҳқон хўжалиги ва аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланиш ҳисобига 28 минг тонна маҳсулот етиштирилган. Шундан 22 минг тоннаси экспортга йўналтирилган. Аҳоли даромади эса ўртача 98 миллион сўмини ташкил қилган. Деҳқончиликда эришилаётган натижалар ҳудуд аҳолисини янада юқори марралар сари ундамоқда. Жорий йилда ҳудудда 36 минг тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва аҳолининг ўртача даромадини 130 миллион сўмга етказиш белгилаб олинган.

болалар уйларидаги 3176 нафар бола билан маҳалладаги 426 ижтимоий ходим шугулланади. Бунда ота-она ўрнини босувчи шахслар бола олдидаги мажбуриятини қай даражада бажараётганини ижтимоий ходимлар мониторинг қилиб, баҳолаб боради.

Аввалги тизимда комиссиялар раиси ҳокимлар бўлиб, жойлардаги ота-оналари мигрант бўлган ёки ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ва фарзанд тарбиясида иштирок этмайдиган ота-оналар фарзандларига қонуний вакил тайинлаш, улар назоратсиз қолишининг олдини олиш маҳаллаларда тўлиқ ташкил этилмас эди. Сабаби, уларни таҳлил этишга ишчи кучи етишмасди. Шу туфайли, болаларнинг муаммолари ва уларнинг тарбияси назоратдан четда қолди келган.

Янги тизим натижасида 2024 йил 1 июндан бошлаб ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган, назоратсиз қолган, вояга етмаган болалар “Инсон” марказларининг маҳаллалардаги ижтимоий ходимлари томонидан назоратга олинади. Эндиликда ҳаёти, соғлиғи хавф остида бўлган етим ва назоратсиз қолган болаларни қарамоғига олиш бўйича “Ихтисослаштирилган тутигана оила” шакли жорий этилади. Тутигана оила махсус сертификатга эга бўлган 30 ёшга тўлган одамлар томонидан ташкил этилиб, 5 нафаргача бола қабул қилиши мумкин. Бундай оилаларни вилоятда етим бола асраб олиш истиғида бўлган жами 967 оиладан бошлашни режалаштирдик.

Бунда мазкур оилаларни “маҳалла еттилиги” билан биргаликда уларда ирсий касалликлар мавжуд эмаслиги, соғлом турмуш тарзига амал қилиши, болаларга тарбия бериш профессионализмга эга-лигини ўрганамиз. Шундан сўнг ташкил этилган комиссия билан келишилган ҳолда “тутигана оила” мақоми берилади. Бундан ташқари, болаларга кўрсатилаётган профессионал хизматлар, муомала ва уларнинг ижтимоий ўсиши маҳаллалардаги ижтимоий ходимлар орқали доимий равишда мониторинг қилиб борилади.

Яна бир гап. Ота-онасидан айрилган ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнини топиб кетишига кўмаклашиш мақсадида ташкил этилиши режалаштирилган “Ешларга киради” дастури доирасида вилоятдаги 91 нафар етим болани касбга ўқитиш, олийгоҳларга йўланма бериш ва уларни давлат ишларига жалб этган ҳолда Ватанга мухаббатини, жамиятга мослашувини амалга оширишни мақсад қилганимиз.

Аввал етим болага давлат томонидан эътибор, маълум бир ёш, яъни 18 ёшгача этиб белгиланган эди. Эндиликда ушбу ёш кўрсаткичи 21 ёшгача узайтирилди. Авваллари олийгоҳларга ўқишга кирган етим болаларнинг кейинги тақдири мавҳум бўлиб қоларди. Энди эса янги тизим туфайли олийгоҳни тугатгач, уларни ишга жалб этиш орқали давлатга, жамиятга мослашувини таъминлаш назарда тутилмоқда.

Бу, гапимиз аввалида айтганимиздек, инсонлар қалбида ишонч ва умидни мустаҳкамлашди. Ўз-ўзидан уларда халқпарварлик руҳи юксалади ва жамият ривожига муносиб ҳисса қўшади.

— Вилоятдаги мавжуд 721 та маҳаллада 2018 йилдан бошлаб босқичма-босқич “Бир маҳалла — бир маҳсулот” тамойилини амалга оширишга киришилганди. Ҳозир 572 та маҳалладан 307 таси мева-сабзавот, 12 таси полиз, 75 таси боғ, 61 таси чорвачиликка ихтисослаштирилди, — дейди вилоят Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши бўлим бошлиғи Хайрулла Хусанов. — Айнан шу тамойил асосида ҳар бир маҳалла драйверини яратиш бўйича чора-тадбирлар белгилаб олинган. Бу жараён тизимли давом этмоқда.

Маълумотларга кўра, ўтган йили “Бир маҳалла — бир маҳсулот” тамойили асосида Сурхондарё вилотида 72 минг хонадонда сабзавот ва кўчатлар, 21 минг 600 та хонадонда картошка, 16 минг 90 тасида боғ ташкил этилган ва узум етиштирилган. Жорий йилда эса бу кўрсаткични 1,2 баробар ошириш кўзда тутилмоқда.

Воҳада ҳозирги пайтда 42 мингдан ортиқ хонадонда умумий ҳисобда 170 минг сотих иссиқхона мавжуд бўлиб, ўтган 2023 йилнинг ўзида ихчам иссиқхоналар қурилиши натижасида қўшимча 9152 та янги иш ўрни яратилган. Жорий йилда эса бу кўрсаткични икки баробар қўпайтириш режа қилинган. Яна шунинг айтиш керакки, воҳанинг ташаббускор деҳқонлари ёмғир сувини йиғиб, ундан самарали фойдаланишга ҳам киришган.

Энг муҳими, бу эзгу ишлар аҳоли учун қўшимча даромад манбаи бўлиб хизмат қилмоқда.

Сарвар Тўраев,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Бугуннинг гапи

20.556

ФОИЗ СТАВКАСИ НИМА? ИНФЛЯЦИЯ-ЧИ?

Қарама-қаршилик ва зиддиятли дунёда ишонч ва ўзаро тушуниш йўқлиги шароитида барқарорлик ва хавфсизликка таҳдидлар кучайди. Бу эса макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ривожланишни таъминлаш ишини ҳам мураккаблаштириб юборди.



Исmoil САИФНАЗАРОВ, фалсафа фанлари доктори, профессор

2023 йилда мамлакатимизда иқтисодий ўсиш 6 фоизни ташкил қилди. Жумладан, саноат 6, хизмат кўрсатиш 6,8, қурилиш 6,4, қишлоқ хўжалиги 4,1 фоиз ўсган. Бу йил ялпи ички маҳсулот ҳажмини камиди 6 фоизга кўпайтириб, 100 миллиард долларга етказиш мақсад қилинган. Бунга эришиш осон бўлмайди. Инфляцияни жиловлash, яширин иқтисодиётга барҳам бериш, кредит бериш тизимини янада соддалаштириш, фоз ставкаларини бугунги даражада сақлаб қолш талаб этилади.

Энг аввало, бутун дунёда молиявий ва иқтисодий аҳвол яхши эмас. Дунё бўйлаб Марказий банклар уч йилдан буён оммавий равишда асосий ставкаларни оширишга киришган. Ваҳоланки, фоз ставкалари 2022 йилгача 20 йилки бир маромда сақланиб турганди. Бу эса дунёдаги ўзаро қарама-қаршиликлар кучайиши, жумладан, Европада қуролли тўқнашувлар бошланиши ортидан энергия ва озиқ-овқат нархларининг кўтарилиши тўғрисида юзага келди. Ставкалар ўнлаб йиллар давомида паст даражада сақланиб қолган АҚШ ва Англияда ҳам оширилди. Асосий ставкаларнинг оширилиши ортидан молия ва капитал бозорлари ҳам фоз ставкалари сезиларли даражада ошиб борди. Ушбу тенденция ривожланаётган мамлакатлардан қатъий қўйиб қолган, валюталари қадрсизланишига, қарз юки ортишига олиб келди. Марказий банклар асосий фоз ставкаларини кўтаришда давом этиши боис, ушбу мамлакатларда рецессия хавфи ортиб бормоқда. Бу ҳолат молия ва капитал бозорларида инвесторларнинг рецессия бўйича кутилмалари ортиши акция ва облигациялар даромадлиги пасайишига олиб келмоқда. Бу, албатта, инфляциянинг ўсиши билан бевосита боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2024 йил 3 мартда асосий ставкани йиллик 14 фоиз даражасида ўзгаришсиз қолдирди. Шу ўринда савол туғилади, асосий фоз ставкаси нима ва у бизнинг ҳаётимизга қандай таъсир кўрсатади? Содда қилиб айтганда, Марказий банкнинг асосий ставкаси у томонидан тижорат банкларига кредит беришнинг минимал фозни ҳисобланади. Асосий ставка даражаси Марказий банк бошқаруви мажлисла-рида пул-кредит сиёсати шароити, жорий ва кутилаётган инфляция даражаси ҳамда макроиқтисодий ҳолатни инобатга олган ҳолда белгиланади.

Одатда агар инфляция даражаси кўтарилса, Марказий банк ҳам асосий ставкани кўтаради. Агар инфляция даражаси пасайса, бунда Марказий банк асосий ставкани пасайтиради. Ўз навбатида, тижорат банклари асосий ставканинг траекториясини кузатиб, пул бозоридagi ликвидлик яқин келажакда арзон ёки қимматлашишини тушунади. Табиийки, бу банкларни ўз маҳсулот ва хизматлари нархини ўзгартиришга ундайди (масалан, аҳоли ва тадбиркорлардан жалб этиладиган омонатлар, улarga ажратилadиган кредитлар билан боғлиқ харажатлар).

Агар иқтисодиётда инфляция даражасининг ўсиш суръати жиддий тезлашса ва Марказий банк асосий ставкани кўтара, ушбу ҳолат банклар томонидан депозит ва кредитлар бўйича фоз ставкаларини ошириш эҳтимолини юзага келтиради. Банклар Марказий банкдан кредит олиб, компанияларга, чакана истеъмолчиларга ва бошқа банкларга ўзларининг фоз ставкалари бўйича кредит беради, бу Марказий банк ставкасидан бир оз юқори бўлади. Чунки тижорат банки Марказий банкдан 14 фоизда кредит олгандан кейин у ҳам фойда қўриш учун ўз улушини қўшади. Натижада тадбиркор, жисмоний ва юридик шахс банкдан бизнинг шароитда 17 фоиздан юқори қийматда кредит олади.

Асосий ставка пул-кредит сиёсатининг муҳим қуроли бўлиб, унинг ёрдамида Марказий банк сўмининг курсини назорат қилиши ва мамлакат иқтисодиётига таъсир кўрсатиши мумкин. Паст ставка пул арзонлигини англатади. Натижада корхоналар ва аҳолининг кредит олиш фаоли-лиги ошади, тадбиркорлик, шу билан бирга, иқтисодиёт ҳам ривожланади. Аммо бундай сиёсатнинг салбий таъсири инфляциянинг ошиши бўлиши мумкин. Асосий ставка паст бўлганда чайқовчи-ликнинг фаолиги ортиди, шунинг учун банклар хорижий валютани фаол равишда сотиб олади. Табиийки, бу бозорда тобора кўпайиб бораётган сўмининг қадрсизлани-шига олиб келади. Бунга жавобан Марка-

зий банк ҳам ставкаларни ошириши мумкин. Шунда валюта савдоси камроқ фойда келтиришни бошлайди, чайқовчилар бо-зордан сўм сотиб олади ва курс барқарор-лашади. Агар иқтисодиётда инфляциянинг сезиларли тезлашиши кузатилса ва Мар-казий банк асосий ставкани оширса, пул жалб қилиш харажатлари ортиши сабабли банклар кредит ва депозитлар бўйича фоз ставкаларини ошириши мумкин.

Бироқ шу билан бирга, юқори ставка ҳам салбий оқибатларга олиб келади: аҳолининг харид қобилияти ва иқтисодий ривожланиш суръатлари пасаяди. Инфляциянинг пасайиши ва шунга мос ра-вишда асосий ставканинг пасайиши билан банклараро ва халқаро банклараро бозорда пул маблағларини жалб қилиш арзонлаша-ди, шунга мос равишда улар нисбатан паст фоз ставкаларида кредит беради, уй хўжа-ликлари ҳамда корхоналар учун молиявий ресурслар арзонлашади.

Инфляция — латинча “inflation” сўздан олинган бўлиб, “пишиш”, “бўриш”, “кўтарилиш” деган маъноларни англата-ди, мамлакатдаги товар ва хизматлар баҳо-си умумий даражасининг ошиши (ўсиши) тушунилади. Нархларнинг умумий дара-жаси кўтарилиши натижасида мамлакат пул бирлиги (миллий валюта) харид қоби-литининг пасайиши рўй беради. Бу эса, ўз навбатида, давлат пул бирлиги қадрсизла-нишига олиб келади.

Пулнинг қадрсизланиши деганда, бир хил миқдордаги пулга вақти келиб камроқ бўлган товар ва хизматларни со-тиб олиш, яъни сотиб олиниши мумкин бўлган товар ва хизматлар миқдорининг вақти келиб қамайиши тушунилади. Мисол учун, йил бошида 50 минг сўмга сотиб олиш мумкин бўлган кундалик истеъмолдаги товар ва хизматлар миқдори



йил охирига келиб қамаяди. Бу эса 50 минг сўмга йилнинг охирида йил бошидагига нисбатан худди ўша товар ва хизматларни камроқ миқдорда сотиб олиш демакдир.

Инфляциянинг асосий кўрсаткичи истеъмол нархлари индексининг маълум бир даврдаги ўзгариши ҳисобланади. Истеъмол нархлари индекси — уй хўжаликлари талабидан келиб чиқиб, маълум бир товар ва хизматлар умумий нархининг ўртача

Мамлакат ичидаги товар ва хизматлар баҳосининг ўсиб боришига кўра инфляция турли даражада бўлади. Узоқ вақт мобайнида товар ва хизматлар нархи барқарор бўлган ривожланган мамлакатларда инфляциянинг ўрта муддатли кўрсаткичи 2 фоиз атрофида, ушбу кўрсаткич ривожланаётган ва бозор иқтисодиёти шаклланаётган давлатлар учун эса нисбатан юқори, тахминан 2-6 фоиз атрофида бўлиши мақбул деб топишган.



ўзгариш даражасини акс эттиради. Ушбу умумий кўрсаткич истеъмол саватидаги ҳар бир товар ва хизмат учун нархлар ўз-гаришини инобатга олган ҳолда ҳисобла-нади.

Бугунги кунда ҳар қандай даражада-ги инфляция салбий жиҳатга эга деган фикр оммада мавжуд, аслини олганда, инфляциянинг ҳар қандай даражаси ҳам иқтисодиёт учун зарарли эмас. Иқтисодий ўсиш учун кам фозли барқарор инфляция бу табиий жараён. Паст даражадаги инфляция иқтисодиётда қўшимча талаб яратиши орқали иқтисодий ўсишга туртки беради. Инфляциянинг умуман йўқ бўлиши эса иқтисодиёт ўсиш суръатини пасайтириб юбориши мумкин. Шу билан бирга, шиддатли инфляция келгусида юқо-ри инфляцияга олиб келиб, иқтисодиётни издан чиқариши ҳам бор гап. Шу нуқта-ни назардан, паст даражадаги барқарор инфляция ижобий ҳисобланади. Инфляция фақат макроиқтисодий кўрсаткич эмас, у аҳоли даромади ва турмуш тарзига таъсир қилувчи омил ҳам ҳисобланади. 2022 йил якуни билан юртимизда инфляция 12,3 фоизни ташкил этган эди. Барча иқтисодий механизмларни қўллаб, 2023 йилда бу кўрсаткич 9 фоизга туширилди.

Инфляцияни келиб чиқишига кўра икки тоифага ажратиш мумкин. Бирин-чиси — талаб инфляцияси. Инфляция-нинг бу тури талабнинг кескин ошиши натижасида иқтисодиётда пул тақлифи-нинг ошишига ёки харидорлар томонидан инфляцион кутилмалар шаклланишига олиб келади. Соддароқ қилиб айтганда, ишлаб чиқариш соҳаси аҳолининг талаби-ни тўла қондира олмади, тақлифга нис-батан талаб ошиб кетди. Натижада товар ва хизматлар нархи ўсади.

Иккинчиси — тақлиф инфляцияси. Инфляциянинг бу тури ишлаб чиқариш харажатларининг кескин ошиши натижа-сида содир бўлади. Яъни ҳар хил жараён ва таркибий ўзгаришлар (солиқлар ўзга-риши, энергия ресурслари нархи ошиши, давлат томонидан тартибга солинадиган нархлар оширилиши ва бошқалар) тўғрай-ли меҳнат унумдорлигининг пасайиши на-тижасида маҳсулот ишлаб чиқаришга кет-ган харажатлар ортади. Натижада ишлаб чиқариладиган товар ва хизматлар нархи кўтарилади. Умумий талаб билан тақлиф ўртасидаги мувозанат ушлаб турилсагина, инфляция қамаяди.

Иқтисодиётда талаб билан тақлиф ўр-тасидаги мутаносиблик тўғри белгиланган ҳолда, инфляция бизга қаттиқ халал берма-ган. Инфляция 15 ёки 16 фоиз бўладими, иқтисодиётга “ўлим даражаси”даги хавф эмас. Инфляция бизнинг энг қўрқадиган жойимиз бўлиши керак эмас. Иқтисодий стагнация, ички инвестициялар тўхташи — мана бу оғир оқибатларга олиб келади.

Тўғри, инфляцияга ҳам эътибор бериш керак, ташлаб қўйиб бўлмайди. Лекин ни-манинг ҳисобига инфляция бўляпти — буни яхши англашимиз керак. Аслида, инфля-ция юқорилаши, асосан, истеъмол мол-лари, озиқ-овқат ва қурилиш материал-лари бозоридagi нарх-наво ўсиши билан боғлиқ. Озиқ-овқат ва қурилиш материал-лари бозоридa тақчиллик бор. Бу тақчил-лик ана шу молларнинг таннархида солиқ ва банк кредити харажатларининг ҳаддан ташқари юқорилиги ҳисобига. Демак, бу-гун озиқ-овқат ва қурилиш материаллари таннархини шакллантирувчи омилларни кўриб, таннархни тушириш масаласини қара-б чиқишимиз керак. Шунда инфляцияни қамайтирамиз.

Инфляциянинг пасайиб бориши ҳолати-да асосий ставканинг ўзгаришсиз қолдири-лиши пул бозоридagi реал фоз ставкала-ри мўътадиллигига хизмат қилади. Бу эса кредитлаш суръатлари мувозанатлашуви шароитида жамғариш фаолигида жорий динамика ушлаб турилишида ҳамда ташқи молиялаштиришнинг қимматлашуви фо-нида ички молиявий манбалардан кенроқ фойдаланиш имкониятини оширади. Мил-лий валютадаги депозитлар бўйича юқори реал фоз ставкалари шароитида банк де-позитлари ҳажмининг юқори ўсиш суръ-талари давом этиши кутилмоқда.

Бугунги кундаги инфляцияга сабаб бўлаётган омиллардан бири бу — яши-рин иқтисодиёт. Таҳлиллар шунини кўрс-атмоқдаки, хизматлар, қурилиш, саноат соҳаларида катта миқдордаги айланма “соя”да қолмоқда. Яқин пайтларгача яши-рин иқтисодиёт ва иқтисодий жиноятчи-ликка қарши курашиш билан 14 та идора тароқ ҳолда шуғулланаётган эди. Бу иш-ларни мувофиқлаштириш ва қучайтириш мақсадида Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ваколатлари кенгайтирилди. Бу департамент энг замонавий воситалар ва етук мутахассислар билан таъминланиб, унинг ҳузурида илмий-таҳлилий ва ўқув маркази очилди. Агар “соя иқтисодиёти”га ҳам барҳам берилса, инфляцияни янада қа-майитиришга эришиш мумкин.

Муносабат

Президентимиз Сирдарё вилояти Сайхунобод туманида аҳоли фаровонлигини ошириш, бандлигини таъминлашда томорқа хўжаликларидан унумтли фойдаланиш, янги ташаббусларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш орқали мавжуд имкониятлардан тўғри ва самарали фойдаланиш билан боғлиқ аниқ вазифаларни белгилаб берди.

Бу бежиз эмас. Битта туман ҳаёт тарзи, амалий иш жараёни орқали инсон қадри-ни улуғлаш, дастурхонларимиз тўқинлиги билан боғлиқ ислохотларни барча қиш-лоқ ва маҳаллаларда кенг қулоқ ёйдириш ташаббуси илгари сурилди. Яратиб берил-ган имтиёз ва имкониятлардан эл манфаат топмоқда.

Халқимизда “Бўш қоп тик турмайди” деган нақл бор. Унинг замирида яхши, фаровон, тўқин яшаш учун меҳнат ва ҳа-ракат қилишга даъват этишини илғаб олиш қийин эмас. Аммо бунга фақат орзу-ҳавас билан эришиб бўлмаслиги ҳам кундек аён.

Фарғона вилоятида аҳоли томорқаси-дан унумтли фойдаланиб, бир мавсумда 3-4 марта ҳосил олаётган миришкор то-морқачилар кўп. Лекин бу “бизда ҳамма нарсa жойида”, деб хотирам бўлишга асос бермайди.

Айни кунда Президентимиз белгилаб берган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ҳар бир маҳалла ва хонадонда томорқадан фойдаланиш, тадбиркорлик, ишбилармонлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ амалий кўргазма-ли семинар, учрашув ва мулоқотлар ўтқа-зилмоқда.

Бу борада давлатимиз раҳбарининг 2024 йил 5 мартдаги “Аҳоли хонадонларида са-ноат усулида маҳсулот ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш ҳамда томорқа ва дех-қон хўжаликларидa янги захираларни ишга солишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”-ги қарори муҳим дастуриламал бўлаётир. Эндиликда вилоят ҳокимлиги ва туман секторлари кесимида, туман ҳокимликлари эса маҳалла фуқаролар йиғинлари кеси-мида ҳар бир ҳудуднинг ихтисослашуви, тупроқ-иқлим шароити, сув таъминотини

инобатга олган ҳолда “Бир маҳалла — бир маҳсулот” тамойили асосида томорқа ер участкаларида қишлоқ хўжалиги экинла-рини жойлаштириш ва маҳсулот етишти-ришнинг истиқболли кўрсаткичлари бел-гилаб олинди.

Ушбу тамойил асосида муайян экин маҳсулотларини етиштиришга ихтисос-лаштирилган маҳаллалар сони 729 тага

етказилади. Аҳоли томорқаларида ҳосил етиштиришни қўпайтириш, сифатини яна-да яхшилаш мақсадида 14,7 мингта ихчам иссиқхона ташкил этилмоқда. Томорқа экин майдонларини сув билан таъминлаш учун 37 та катта ҳажмли вертикал сугориш қудуқлари қазилиб, 1428 хонадоннинг 70 гектар томорқасини сув билан таъминлаш имконияти ортиб, йилгига 2-3 марта ҳосил олишга эришилади, 16 мингдан ортиқ аҳо-ли ўзини ўзи банд қилади.

Баҳор ойларида вилоятнинг 39 минг 10 гектар экин майдонларида сабза-вот, полиз, картошка, дуққакли, мойли экинлар экиш орқали 719 минг 842 тон-на маҳсулот етиштириш режаси ишлаб чиқилди. Август-сентябрь ойларида эса 40 минг гектар майдонга пиёз ва сарим-соқ ҳамда тўқсонбости усулида сабзавот экинлари экиш орқали 550 минг 182 тон-на маҳсулот аҳоли дастурхонига тортиқ қилинади.

Бир сўз билан айтганда, Сайхунобод ту-манидан бошланган ислохотлар Фарғона вилоятининг барча маҳалла ва хонадонла-рида ҳам қулоқ ёймоқда.

Баҳодиржон АБДУРАҲМОНОВ, Фарғона вилоят фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси



Инсон қадри учун

“Ишламай маош олишса керак...”



бирортасини тавсия қиларсан, деб ўйлаган эдим.

— Мен сизга ҳеч панд берганманми, устоз? — самимий жилмайди директор. — Опани яхши билганим учун ҳам сизга тавсия қилдим. Гапимга ҳўп девеверинг, кейин хурсанд бўласиз!

Опанинг ўзи тан олиб айтишича, бу тизимга келишидан аввал маҳалла идо-

расидагилар ишламасдан ойлик олади, шу боис, уларнинг аксарияти хизмат хонасида бўлмайди, деган фикрда юрган. Бироқ жараёнда шахсан иштирок этиб, таъбир жоиз бўлса, тизим “қозонида қайнаб”, пасту баландни кўзи билан кўрганидан сўнг бу ерда ишлашининг ўзи бир жасорат эканига амин бўлди.

Эрта тонгда бобоқуёш ўз ҳароратини борлиққа сочиб, тирикликка илқлик бахш этишга чоғланган маҳал Халқлар дўстлиги кўчасидаги икки қаватли чоғроққина уйдан бир аёл чиқиб келади. Ҳар куни шу манзара: аёл уйидагиларга нонушта тайёрлаб, ҳаммадан олдин ишга кетиб, уйга ҳаммадан кейин қайтади. Паст бўйли, тўладан келган, аммо жуссасига нисбатан серҳаракат бу опани ҳамма танийди. Хурмат қилади. У Бухоро вилояти Когон шаҳридаги “Арабхона” маҳалла фуқаролар йиғини хотин-қизлар фаоли, II даражали “Соғлом авлод учун” ордени соҳиби Сиддиқа Бафоева.

Биринчи қадам масъулияти

Тарихдан маълумки, Когон шаҳри амирлик даврида “Янги Бухоро” деб аталган. Унинг вужудга келиши чор Россиясининг истилочилик юришлари билан чамбарчас боғлиқ. XIX аср охирида бу ерда темир йўл қурилди. Темир йўл келиши билан шаҳар гавжумлашди, турли миллат вакиллари кўчиб кела бошлади ва у сановат шахрига айланди. Маълумотларга кўра, бухоролик жадидларга ҳам айнан шу шаҳар бошлана бўлган, илк газеталар шу ерда чоп этилган...

Албатта, ҳар бир ҳудуднинг инфратузилмаси баробарида у ерда истиқомат қилувчи аҳолининг менталитети ва ижтимоий аҳволи бир-биридан тубдан фарқ қилади. Мана шу жиҳатдан ҳам Когон шаҳри бир муддат ҳуқуқбузарликлар кўрсаткичи юқори ҳудуд сифатида эътиборни тортиб келган.

Маҳаллада бир ой ичида ўзини кўрсатган қаҳрамонимиз қутилмаганда ишламайман, деб туриб олди. Унчамунча асаблар кўтармайдиган оилавий низолар дийдаси юмшоқ опани бездирганди. Шунчалар юрак олдириганидан бўлса керак, энди ортга қайтмайман, дея ўзича аҳд ҳам қилганди. Тутган ерини кесадиған қайноналар, гап уқмас келинлар, икки оёғини бир этикка тикиб оладиган эркаклар, керакисиз жойга аралашиб, можаро оловига мой сенадиган қайнопаю қайнсингилларни инсофга чақириб хамирдан қил суғургандек осон битадиган иш эмас.

Ҳаётни ўз қаричи билан ўлчайдиган кимсаларнинг калтабинлиги, улар

томонидан қилинган таҳдидлар, жанжаллар сабаб аёл ўз ҳаловатини йўқотди. “Нега одамлар бу қадар тошбағир? Бирининг айтган гапи иккинчисига ёқмагани учун ажралиб кетиш адолатданми? Болаларнинг тақдири нима бўлади, уларни қим ўйлайди?” каби саволларга жавоб тополмай ўртанарди, аламини кўз ёшларидан оларди.

У билан иш масъулиятини бирга олган жамоаси ташлаб қўймади. Аввалига маҳалланинг икки-уч фаоли, сўнг раис билан сектор раҳбари йўқлаб борди. Раҳбарлар уч ой шартли муддат белгиллади. Шу вақт ичида ҳам фикрингиз ўзгармаса, аввалги иш жойингизга қайтарамиз, дейишди. Тажрибали психологлар билан кечган суҳбат унинг қарашларида кескин ўзгариш ясади. Миясига “қадалиб” қолган стереотиплар билан борди. У аурасини шакллантира бошлади. Ўтган давр мобайнида оилалар билан ишлашни, одамлар табиатидан келиб чиқиб муносабат ўрнатилгани, хотин-қизлар кўнглига йўл топиб, улар билан давомли мулоқот қилишни ўрганди. Ва бу жараён шу қадар илдириш оқиди, эндиликда кетишни хаёлига келтирмасди. Жидду жад билан муваффақиятларини ривожлантиришга аҳд қилди. Дастлабки қадам доимо оғир. Аммо кунт қилинса, амалга ошмайдиган ишнинг ўзи йўқ. Қисқа даврда унинг эришган ютуғи шу бўлдики, унча-мунчанинг “тиши ўтмаган” икки оилани ажрим ёқасидан қайтариб, уларни яраштиришга муваффақ бўлди.



Маҳалланинг “бувиси”

Арабхона маҳалласида бутунги кунда 2560 нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Оилалар сони 1020 та, аёллар 1294 нафар. Катта йўл ёқасида жойлашган маҳаллада тадбиркорлик учун яхши шaroит мавжуд. Маҳалланинг драйвери — савдо ва хизмат кўрсатиш бўлиб, ҳозирда бу ерда мавжуд хизмат кўрсатиш шохобчалари 67 тага етган. Бунда тадбиркорлик қилаётганларнинг барчаси шу ерлик фуқаролар. Бундан ташқари, биргина маҳаллада 17 та сартарошхона бўлиб, уларнинг 11 таси гўзаллик салони. Ушбу салонларнинг ҳар бирида уч нафардан хотин-қиз иш билан банд. Еттига тикув цехида ҳам беш нафардан аёл иш билан таъминланган.

Маҳаллага борганимизда, бу ердагилар ҳашар тараддуида экан. Маҳалла раиси Шухрат Жабборов, ҳоким ёрдамчиси Азимжон Салимов, ёшлар етакчиси Суннат Рамаонов, кўчабоши Муҳаббат Саидова ва бошқа фаоллар ташкилий ишлар билан овора. Маҳалла биноси этагидида арчалар панасида ўтирган иш кийимидидаги бир ўсмир эътиборини тортди. Сиддиқа опа билан махсус дафтарда рўйхатда турувчи бир-икки аёлнинг хонадонига борадиган бўлди. Бизни кўриб, ҳалиги йигит қалқиб турди ва:

— Ассалому алайкум, бибижон, яхшимсиз? — дея қўлини кўксига қўйиб салом берди. Хотин-қизлар фаоли ҳам унинг саломига алиқ оларкан, онасини сўради ва менинг номимдан салом айтиб қўй, деб тайинлади. Дарове, Бухорода буви ва момони “биби” дейишади. Савол назари билан опага қарагандим, у кулиб тушунтира кетди. Иسمи Соҳибжон экан, лўли бола. Онаси Гулшан ва укалари билан ҳудуддаги чиқиндиҳонани манзил тутган, ўша ерда яшайди. Ётоқхонадан жой ажратишганида, кўчиб ўтишга унамаган. “Шу ер қулай, тирикчилигим ҳам шундан”, деган экан. Опа улардан тез-тез хабар олиб туради. Ҳомийлар берган нарсалардан уларга ҳам илинади. Одамлар уларидидаги баклашка ва макулатура-ни йиғиб, Гулшанга келтириб беради. Опа Гулшанинг болаларини мактабга жойлаштирган, Соҳибжонга эса маҳалла атрофида ишлаб, тирикчилик қилишга ёрдамлашади. Хотин-қизлар фаолининг хонадонларга тез-тез ташрифи ва кўмагини кўриб ўсаётган аксарият болалар уни “биби” деб чақираккан. Болалар меҳр гадоси, улар меҳр билан боққан нигоҳларни ҳеч қачон унутмайди. У эса бундай эҳтиромдан хурсанд бўлади. Мухтожларга ва қалби кемтиқларга фойдаси тегаётганига шукрона келтиради.

Ажрашишга жиддий сабаб кўрсатолмаганлар ҳам бор

“Энди яшамайман!” деб жиддий қарор берган эр-хотин, уларнинг оила аъзолари билан музокара олиб бориш машаққатини томоғидан бир томчи сув ўтмай қийнаётган бемор ҳолатига менгаш мумкин. Сиддиқа Ҳамроева бундайлар билан якка тартибда шуғулланади. Келинларга сабр-қаноатни, аёл киши турмуш ўртоғига нисбатан бир поғона пастда туриб муомала қилиши фарзлигини тушунтиради. Турмуши бузилгач, ҳаёт сўқмоқларида ўзини йўқотиб қўйган аёллар қисматидан мисоллар келтиради. Аччиқ устида оиласидан воз кечганлар кун келиб, ота уйига сиғмай қолиши жудаам аянчли бўлишини таъкидлайди. “Боши очик” аёллар ҳақида озгига кучи етмайдиганлар ҳар нарса гапирганида дунё кўзларига тор бўлиши мумкинлигидан огоҳлантиради. “Тасаввур қил, қизим, эртага эринг бошқасига уйланади, ўзга аёлдан фарзанд кўради. Кўчада кетяпсан-у, ногаҳ уларга кўзинг тушади. Ўша аёлнинг боласи эрингнинг “дада” деб қақиради-ю, сенинг мурғанинг бу сўзини айтишдан маҳрум бўлади. Қандай ахволга тушишининг бир ўйлаб кўр”, дея вулқон каби отилишга шай турган келинчаларни ҳовуридан туширади. Куёвларга ҳам шу йўсин таъсир ўтказишга ҳаракат қилади.

Оилалар ажрим илинжида судга мурожаат қилганида, фуқаролик суди маҳалладаги Оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш комиссиясига хат юборади. Шу асосда комиссия аъзолари эр-хотинни қақиртириб, масалани муҳокама қилиши ва судга ҳулоса бериши керак. Ажрашишга сабаб кўрсатолмайдиганлар ҳам бор.

— Яқинда ўзига тўқ бир оила билан шундай воқеа бўлди, — дея эслайди хотин-қизлар фаоли С. Бафоева. — Рисоладагидай оила. Тўрт

фарзанднинг ота-онаси. Болалар спорт билан шуғулланади, улар орасида мамлакат чемпиони бўлганлари ҳам бор. Аёл фарзандлари келажаги учун қайғуриб, оила бузилишига қарши. Аммо эри қайсарлик отидан тушмай, ажрашаман, деб туриб олди. Бир йилдан ортиқ вақтимиз кетди, яраштира олмадик. Даввони кўриб чиққан суд тўққиз ой ўтиб, уларни ажратишга сабаб тополмагач, эркакнинг талабини рад қилди. Шунга қарамай, эр олти ой ўтиб, яна судга даъво аризаси киритди. Гулдек фарзандлари тақдири аросатда қолаётганидан афсусландим. Лекин на илож, осмон йироқ, ер қаттиқ.

Шундай қусурларга қарамай, бир лаҳза бўлса-да, сазй-ҳаракатлар тўхтагани йўқ. Имом-хатиблар, кекса отахону онахонлар, отиноийлару оқила аёллар жалб этилган ҳолда ёшлар, ажрим ёқасига келиб қолган оилалар аъзолари учун тарғибот тадбирлари ўтказилляпти. Тадбирларда кексалар ўз тажрибаси билан ўртоқлашиб, йиғилганларга оила масъулияти ҳақида қимматли фикрлар айтиди. Иштирокчиларнинг руҳиятига, дунёқарашига таъсир ўтказа оладиган видеороликлар намойиш этилмоқда. Маҳалла тадбирларига рўйхушлик бермайдиган хотин-қизлар ҳам топилади. Фаоллар уларни қамраш учун санъаткорларни жалб этишга ва шу орқали ўз ташвиқотларига одамларнинг эътиборини қаратишга ҳаракат қилмоқда. Ишлар шу билан чегараланиб қолаётгани йўқ. Кўчама-кўча, уйма-уй юриб, олиб борилаётган тушунтиришлар бутун ўз мевасини бераётир. Бунинг натижасида эрта ва қариндошлар ўртасидаги низо, эрта туғуруқ, хотин-қизлар ўртасида содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар кескин қайтаган.

Маҳалла фидойисининг уч нафар фарзанди ва икки невараси бор.

Ишдан кеч қайтганида, ўз вақтида овқат қилишга улгурмаганида, турмуш ўртоғининг дашномларини эшитишга, “Эртадан кечгача тинмайсан, нима беради шу ишинг?” деган маломатларига кўз юмишга мажбур бўлган. Айниқса, пандемия даврида яқинларининг хавотири янаям кучайган. Кўп ўтмай, чеккан заҳматларининг мевасини кўрди. Ўша йили “Саховат ва кўмак” кўкрак нишони билан тақдирланди.

Қўлда берганга қуш тўймас

Шу маҳаллада истиқомат қилувчи 52 ёшли Раъно Шокирова ёлғиз она. Анча йиллар илгари турмуш ўртоғи билан Россияга ишлагани борган, ўша ерда икки фарзандини дунёга келтирган. Аёлнинг айтишича, иш бериуви ва ёлланма ишчилар ўртасида воситачилик қилган турмуш ўртоғи кўплаб одамларнинг пулини ўзлаштирган ва уларнинг қарғишига қолган. Бировларнинг ҳақини еб, чўнтак қаппайтирган эр ўша ерининг ўзидаёқ хотини ва болаларидан воз кечиб, уларни ташлаб кетади. Биринчи фарзанди ногирон туғилгани сабабли узоқ яшамаган. Кейинги умиди бўлган Азиз эса 18 ёшида қурилишда ишлаб, пул топаман деб кетиб, умуртқасини синдириб қайтган. Ўшандан буён қаровотга михланган. Аввалига ётоқда қолаётган ўғлини парвариш қилиш, унинг доридормонига пул топишга жуда қийнади. Топган-тутгани тирикчиликка аранг етарди. Ойлаб гўшт емаган пайтлари бўлди. Хотин-қизлар фаоли унга далда берди. Дастлаб тикувчилик курсида ўқитди. Кейин тикув машинаси олиб берди. Тикши-биши билан шуғуллана бошлагач, рўзгорига барака кирди. Рангпар юзларига эса ёшлик ёлқинлари қайтди.

Маълум бўлишича, Раъно опа техникумда расом-безакчи мутахассислиги бўйича тахсил олган ва деворга барельеф чизиш санъатини яхши эгаллаган экан. Сиддиқа опа уни шу хунарини давом эттиришга ундади. “Маҳалла еттилиги” эса унинг ишларини тартиб қилиб, мижоз топишда кўмаклашди. Бу саво ишга Когон шаҳар ва Бухоро вилояти ҳокимликлари мутасаддилари ҳам қўшилди.

Ҳозир ҳар иккала хунаридан даромад топаётган аёл ҳеч нарасига муҳтожлик сезмасдан умртгузаронлик қилмоқда. У доимо ўзини муҳтожлик ёқасидан қайтарган хотин-қизлар фаолини ва унинг аҳил елкадошларини дуо қилади.

Биз маҳаллада меҳнат қилаётган Гулшода Қодирова, Нозима Холикова, Маҳлиё Тимирова, Маржона Шодмонова, Севинч Бақоева, Санобар Гуломова сингари шижоатли хотин-қизлар ҳузурида ҳам бўлди. Бири тикувчилик қилса, иккинчиси сомсахона очган, бошқаси гўзаллик салони юритаётган бўлса, яна бири баклашка ва турли материаллардан сизни ҳайратга соладиган гуллар, безаклар, бежирим сумкалар ясади. Бу аёлларнинг аксарияти ўзларига ўхшаган хотин-қизларни иш билан таъминлаган. Бошқалари эса хунар ўргатяпти. Аёллар орасида имконияти чекланганлари ҳам бор, аммо бу кемтикли уларнинг ҳаётдан завқ олишига, мақсад сари интилишига тўсқинлик қила олмайди.

Эҳтиёжманд аёлларни бепул касб-хунарга ўқитиб, уларни келажақда муҳтожликдан чиқариш тадбирлари амалга оширилаётган бир паллада бундай имкониятлардан юз буриб, фақат моддий талаб қилаётганлар ҳам йўқ эмас. Ундайларга қараб, нанича ва чумоли ҳақидаги масал ёдга тушади. Бугун қорин гамида эртасини унутатганларни кўриб, ачинасан киши. Зеро, халқимизда “Қўлда берганга қуш тўймас” деган ҳикматили гап бор. Ҳомийлар ҳам абдадий эмас, эхсон эса тоғ эмас. “Маҳалла еттилиги”нинг асосий мақсади одамларни боқимондлик қайфиятидан чиқариб, уларни фаол бўлишга ва шукроналик ҳиссини туйишга даъват этишдир.

Фидойилик – буюклик

Маҳаллада ишлаётган ҳар бир ходим ўз масъулиятини ҳис қилиб ишга ёндашишини, ютуқ ёлғиз ҳаракат қилганда эмас, аксинча, биларлашгандагина мустаҳкам ва бардавом бўлишини ўз кўзимиз билан кўрдик. Сиддиқа опага ўхшаганлар ҳақида “Оддий одам — оддий одам” деган ибора юради. Гапиршидан кўра амалий иши билан кўзга ташланадиган аёл ҳақида унинг ҳамкасблари жуда илиқ фикрлар айтиди. Оилада сеvimли ёр, меҳрибон она, суюкли буви, ишда эса барчага суянач бўладиган фидойи ходим. Кўпчилик уни “тирик энциклопедия” дейди. Маҳалла фаолияти билан боғлиқ дярли барча маълумотларни ундан олиш мумкин.

Маҳалла фидойисининг уч нафар фарзанди ва икки невараси бор. Ишдан кеч қайтганида, ўз вақтида овқат қилишга улгурмаганида,

турмуш ўртоғининг дашномларини эшитишга, “Эртадан кечгача тинмайсан, нима беради шу ишинг?” деган маломатларига кўз юмишга мажбур бўлган. Айниқса, пандемия даврида яқинларининг хавотири янаям кучайган. Кўп ўтмай, чеккан заҳматларининг мевасини кўрди. Ўша йили “Саховат ва кўмак” кўкрак нишони билан тақдирланди.

Жорий йил 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни арафасида бир гуруҳ фидойи аёллар давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланди. Улар орасида Когон шаҳридаги “Арабхона” маҳалла фуқаролар йиғинининг хотин-қизлар фаоли Сиддиқа Бафоева ҳам борлиги юртимизда инсон қадри нечоғлиқ юксак эканига яна бир қарар далилдир.

Ҳамзабек ТУРДИЕВ,
журналист



Беҳзод ҲОШИМОВ:

“ВАТАНИМИЗ БИТТА

Унга хизмат қилиш ҳам ифтихор, ҳам мажбуриятимиздир”

Замондошларимиз орасида Беҳзод Ҳошимов номини биладиганлар оз эмас. Айниқса, ёшларнинг кўпи бу тиришқоқ, тиниб-тинчимайдиган тенгдошига ҳавас қилади. Айримлар уни машҳур тadbиркор деб ҳисобласа, бошқалар ҳақиқий касби иқтисодчи эканини билади. Унинг иқтисодий мавзулардаги постлари, блогларини ўқиб борадиганлар ҳам талайгина. Иқтисодиёт соҳасида илм йўлини танлаган бу йигит ҳозир 30 ёшда ва АҚШнинг Висконсин университетида талабаларга тadbиркорлик йўналишидан дарс беради. Бу йил Нью-Йорк университетида профессор лавозимида иш бошлайди.

Ўзига тўқ оилада катта бўлган инсонларнинг ҳаммаси ҳам ўз меҳнатига таянвермайди. Беҳзодда эса бари аксинча ва шунинг учун бўлса керак, бугун у нафақат мамлакатимиз, балки жаҳон миқёсида таълиқ иқтисодчилар қаторида туради.

Беҳзод Ҳошимов Марказий Осиё ишлари бўйича Оксус жамияти, Америка Иқтисодчилар ассоциацияси ва АҚШдаги Стратегик менежмент жамияти аъзоси. АҚШ Патент ва товар белгилари идорасидан иқтисодий модел патенти соҳиб, Халқаро иқтисодиёт олимпиадасининг (IEO) ҳакамлар ҳайъати таркибидан ўрин олган. Юртимиздаги “Юксалиш” ҳаракати томонидан тузилган Ўзбекистон блогерлари ва инфлюенсерларининг 30 талик рўйхатида киритилган, Ёшлар ишлари агентлигининг “100 китоб” лойиҳаси экспертлар гуруҳи аъзоси.

Қаҳрамонимиз шу вақтгача босиб ўтган йўли, математика соҳасидан бирданга иқтисодиётга ўтиши, жаҳонга машҳур китоб таржимасига муҳаррирлиги ва Президентимиз билан учрашувда кўтарган масалалари ҳақида гапириб берад экан, у дунёнинг қайси бурчаида яшамасин, доим Ўзбекистон тараққиёти учун экон куйдириши шундоқ сезилиб туради.

САВОЛЛАРНИНГ ЖАВОБИ ҚАЕРДА?

— Болаликдан ўзим билмаган ҳолда иқтисодий масалалар ҳақида кўп ўйлардим. Нима учун бизнинг давлат камбағал, деган савол билан катта бўлганман, — дейди Б.Ҳошимов. — Жавобни атрофдан, одамлар орасидан излардим. Юртимизда бу савол шунчалик долзарбки, унга ҳар бир инсоннинг ўз мантиғи бор. Негадир кўпчилик бу муаммога менталитетни сабаб қилиб кўрсатади. Менимча, бу миллатни ёмон кўриш билан баробар. Яъни ўзбекистонликлар бой яшашга муносиб эмас ёки қодир эмас, деган фикр мени аччиқлантиради. Бу ўта ноқош ғоя.

Бир мисол келтираман. Мен олий ўқув юртининг бакалавр босқичини Сингапурдаги Наньян технологиялар университети математика йўналишида тамомладим. Болаликдан математикага қизиқишим ва қобилиятим бўлган. Ўқиш давомида мени доим қийнаган саволлар янада ортиди. Гап шундаки, Сингапур бой, фаровон мамлакат ва ўзбекистонликлар билан сингапурликларнинг фарқи нимада, деб ўйлаб, жўяли жавоб тополмасдим. Ўзбекистонликлар ҳам сингапурликлар сингари меҳнаткаш, уддабурон, тadbиркорлики яхши кўради, ёлгон гапирмайди ва бошқа кўплаб ижобий хусусиятлар бор жамиятимизда. Ва бу жамият камбағал яшашга муносиб, дейиш мен учун ўта мантиқсизлик бўлиб туолади.

Қолаверса, Сингапур атрофидаги бошқа давлатларда ҳам шундай фарқ кўзга ташланади. Яъни одамлари бир бўла туриб, яшаш тарзи турлича ва улар Сингапурдан камбағалроқ. Хўш, айрим давлатлар бойроқ, бошқалари камбағалроқ яшашининг асосий фарқи нимада? Ана шу саволларга жавоб излаб, иқтисодий китоблар ўқиш бошладим ва магистратура тахсилни ҳам шу йўналишда давом эттиришга қарор қилдим. Ундан олдин бир муддат Ўзбекистонда ишладим. Тошкентдаги ИНХА университетида талабаларга олий математикадан дарс бердим. 2013 йилда талабалар

алмашинуви дастури асосида АҚШнинг Калифорния штатидаги Беркли университетида бир семестр тахсил олиб қайтдим. Кейинроқ ушбу мамлакатта магистратура босқичини давом эттириш учун йўл олдим.

Кўпчилик Америка орузси сабаб океан ортига келади, аммо менинг мақсадим илм олиш ва шу йўналишда фаолиятимни давом эттириш эди. Ҳозир шу ерда яшайман ва Висконсин университетида илмий тadbиркорлик иқтисодиёти билан боғлиқ. Яъни тadbиркорлиқнинг иқтисодиётдаги ўрни, келиб чиқиши, сабаб ва оқибатларини ўрганаман. АҚШдаги капиталист инвесторлар қандай қилиб стартапларга инвестиция киритиши ва ўша жараёндаги коммуника-



циянинг ўрнини таҳлил қиламан. Ҳар бир мамлакат учун иқтисодиёт муҳим соҳа ва бу касб эгаларига талаб юқори, демак, уларда танлов ҳам кўп. Кимдир хусусий, кимдир давлат таъкилотига ишлайди. Мен эса университетда қолишни ва илмий фаолиятни афзал кўрдим. Менинг миссиям имкон қадар яхшироқ олим бўлиш ва илмий ишлар қилиш. Таълим, илм-фан ривожига ҳисса қўшишни мақсад қилганман. Ва бу илмий ишларимни ўзбек манбаларида ҳам мунтазам бериб бораман, она тилимизда мақолалар ёзман, иқтисодий мавзуларда китоблар чоп этиб келяпман.

ҲАР БИР АСАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ МАНТИҒИ БОР

Китоб ўқишни хуш кўраман. Фақат иқтисодий эмас, балки турли мавзулардаги китобларни ўқийман. Ўзбек, рус ва инглиз тилларида эркин сўзлаша олганим учун шу тилларнинг барида мутлола қиламан. Кўпчилик менга “Фақат иқтисодий китоблар ўқийсизми?” деб савол беради. Мен эса “Турли мавзудаги асарларни ўқийман ва уларнинг ҳар бирида иқтисодий мантиқ бўлади”, дея жавоб бераман.

Масалан, Браун университети профессори Олед Галор ўзининг “Инсониятнинг тарихи: бойлик ва тенгсизлик асослари” китобида бойиш ва бойлиқни сўнгги 40 минг, 10 минг, охириги 500 йил нуктаи назардан таҳлил қилади. Тарихий йўналишдаги ушбу ажойиб китобни ўқиш давомида ҳозир қандай яхши, фаровон замонда яшаётганимиз



ни, инсоният тарихидаги қанчалар омадлив авлод эканимизни аниқлаб етиш мумкин. Бир қараишда бу китоб Ювал Ноа Харарининг “Сапиенс”ига ўхшайди, аммо Галор нафақат тарихчи, балки иқтисодчи ҳам бўлгани боис, у ўз китобини Харари йўли қўйган ҳатоларни қилмай, жуда зўр ёзган. Марк Кояма ва Жерд Рубиннинг 2022 йилда чиққан “Дунё қандай бойиди? Иқтисодий ўсишнинг

КАМБАҒАЛЛИКНИНГ САБАБИ “МЕНТАЛИТЕТ” ЭМАС!

Иқтисодиёт соҳасига кириб келишимга ҳам ўқиган китобларим туртки бўлган. Улардан бири Дарон Ажемўгли ва Жеймс Робинсоннинг “Мамлакатлар таназзули сабаблари: қудрат, фаровонлик ва камбағаллик манбалари” китоби эди. Кейинчалик ушбу асарнинг ўзбекча таржимасига муҳаррирлик қилдим. Бунга мени болаликдан қийнаган яна ўша “Нега айрим мамлакатлар бой, айрим эса камбағал?” деган савол туртки бўлди. Ва қайсидир маънода шу китоб орқали ўз саволларимга жавоб топдим.

Чиндан ҳам нима учун баъзи мамлакатларда, ҳатто ўртамиёна яшайдиган кишиларнинг турмуши, ҳаёти камбағал ўлкалардаги аксар инсонларникидан яхшироқ?

“Китоб ўқишдан мақсад нима, деган саволга ҳам ҳар ким турлича жавоб беради. Менимча, китоб ўқишдан кўзланган мақсадлардан бири жамият қандай фикрлар, фаразлар, мифлар ёки янгича сўзлар билан айтганда, қандай мемлар устида тургани, қурилганини кўришдир.”

тарихий манбалари” ҳам Олед Галорнинг китоби билан бир хил мавзуда, қайсидир маънода Галорнинг китобига “комплимент” дейиш ҳам мумкин. Ҳар иккала китобда ҳар хил ёндашув билан бир хил нарса ҳақида ёзилган. Фақат бунисида мавзу нисбатан чуқурроқ, нисбатан яхши тadbир қилинган, кўп нарсаси ўрганиш мумкин.

Умуман, китоб танлашда унинг йўналишига эътибор қаратмайман ҳамда бадий (fiction) ва илмий-оммабоп (non-fiction) деган бўлинуви субъектив ва нотабий деб ҳисоблайман. Масалан, Кафканинг “Жараён” ёки Оруэлнинг “1984” ёхуд Макиавеллининг “Ҳукмдор” асарлари ҳуқуқ, адолат ва қудратни тушуниришда Аполтоннинг “Давлат” ёки Ролзнинг “Адолат назарияси”дан камроқ ўрганиладиган асарлар эмас.

Китоб ўқишдан мақсад нима, деган саволга ҳам ҳар ким турлича жавоб беради. Менимча, китоб ўқишдан кўзланган мақсадлардан бири жамият қандай фикрлар,



Бунга жавоб тариқасида майдонга муаллифлар фойдаланган асосий тadbиркор манбаси — инсоният тарихи чиқади. Ўтмишда ҳам барча давлат бирдек фаровон кун кечирмаган, қадим жамият даромади бутунгига монанд бўлган. Қашшоқлик ва танглик ҳамманинг бўйнига тушган оғир тош эди. Инсоният XVII асргача ҳеч қандай

иқтисодий тараққиётни кўрмади ҳисоб. Охириги 250-300 йилда эса ўсиш ва ривожланиш суръати кескин ошди, даромадлар кўпайди. Шу ерда савол туғилади: иқтисодий ўсиш ўзини нима? Бу нима учун муҳим? Айни замондаги турмуш таризимизни XVII аср шароити билан солиштириш мушкул, лекин, келинг, бир уриниб кўрайлик. Агар турар жой, хонадондаги қулайликлар, овқатланиш сифати, соғлиқни сақлаш ва маънавий енгилликларга эътибор берилса, фарқ беҳад катталиги дарров билинади. Икки аср олдин ҳозирги гуллаб-яшнаган ўлкаларда очлиги қийинчиликдан вафот этадиганлар сони кўп эди. XVII асрда чақалоқларнинг 30 фоизи бир ёшга етгунча касаллик, носоглом, сифатсиз турмуш сабаб ноубуд бўлар, вазият бутунги энг қашшоқ мамлакатлардаги рақамлардан-да кўрқинчли эди. Тараққий этган ўлкаларда бутун минг нафар чақалоқдан 4 нафари бевақт ноубуд бўлади, ўн еттинчи асрда эса ўта юқори: мингдан 300 нафари вафот этарди. Ҳозирги натижа ўлим олдидаги ғалабадир. 200 йил олдин ҳам инсонларнинг қариб ярми 20 ёшга тўлиб-тўлмай оламдан кўз юмарди.

Бу ютуқ ва ўсишнинг сабаби, албатта, иқтисодий тараққиёт. Лекин савол ҳамон ўшундай очик турибди: бир неча юз йил олдин ғарбий Европада бошланган ривожланиш ва иқтисодий ўсишнинг сабаблари нимада? Нега инсоният XVIII асргача деярли бир хил шароитда яшайди-но, кейин тўсатдан олдинга сакраб, бутунлай бўлак манзара шаклланди? Нега биз аллақандай мўъжиза сабаб мисли кўрилмаган ривожланиш ва тараққиёт шохиди бўляпмиз? Китоб муаллифлари буни институтларнинг, биринчи ўринда, сиёсий ва иқтисодий институтларнинг ўзгариши билан боғлайди. Муаллифлар Дарон Ажемўгли ва Жеймс Робинсон ўз академик изланишларига таъниб, кескин фарқларда оид ўта муҳим хулосага келади: институтлар мамлакатнинг иқтисодий тараққиёти учун ҳам восита, ҳам тўсиқдир.

Китоб билан илк танишган пайтим Калифорниянинг Беркли университетида талабалар алмашинуви дастури орқали тахсил олаётгандим. Ўшанда ҳамма қатори ўз-ўзидан “Нега университетим жойлашган Сингапур, дастур бўйича келган мамлакатим АҚШ ватаним Ўзбекистондан анча илгариллаб кетган?” деган саволга жавоб излардим. Бу китоб ана ўша адоқсиз саволларга жавоб излашни ўргатди ва иқтисодиётга қизиқишимни уйғотди, қадрдонимга айланди. Тушундимки, биздаги ривожланиш билан боғлиқ муаммоларнинг сабаби ресурслар етарли эмаслиги, океанлардан узоклигимиз, иқлимнинг кескинлиги ёки халқимиз менталитетида эмас. Асло! Китобни синчиклаб ўқисангиз, тadbиркорлар бошқача сўзлайди — асл сабаб сиёсий ва иқтисодий институтлар сифатида.

Ўзбекистонда камбағаллик даражаси унчалик баланд эмас. Билишмича, бу тахминан 17 фоиз атрофида (Статистика агентлиги маълумотида кўра, ўтган йили бу кўрсаткич 11 фоизни ташкил этган). Камбағалликнинг мавжудлиги асоси эса иқтисодий ўсиш билан боғлиқ. Бу кўпроқ иш

“Мен ўзим каби олим дўстларим билан юртимизнинг иқтисодий ривожланишига ҳисса қўшиш, ҳар қанча маслаҳат билан ёрдам беришга тайёрлигимизни билдирдим. Чунки бизда Ватан битта ва шу Ватанимизга хизмат қилиш барчамизга ҳам ифтихор, ҳам мажбуриятдир.”

жойлари яратилиши, иқтисодий соҳаларни ривожлантириш ва бошқа кўплаб омилларга бориб тақалади. Юртимиз шароитида аҳоли даромадининг ўсишида биринчи зарурий нарсаси иқтисодиётда самарадорлиқни оширишдир. Ўзбекистонда бошқа ривожланаётган давлатлар каби самарадорлик, меҳнат унумдорлиги нисбатан паст. Бунинг сабабларидан бири эса иқтисодиётда етарлича рақобатнинг йўқлиги ҳамда барча муҳим секторларда давлатнинг улуши баландлигида. Бу ўз-ўзидан рақобатни чекалайди, рақобат бўлмаган бозорда эса самарадорлик ҳам ошмайди. Бунинг ечимларидан бири, давлат ўз улушини хусусий секторга бериши керак.

ЮРТ БИЛАН БОҒЛАЙДИГАН ЯНГИ ПЛАТФОРМА

Ўтган йил сентябрь ойида Президент Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг навбатдаги сессиясида қатнашиш учун АҚШга келганида биз билан ҳам учрашди. Ўшанда айна шу масалалар ҳақида суҳбатлашдик. Очик ва самимий руҳда ўтган суҳбат давомида фикримиз бир жойдан чиққанига гувоҳ бўлдим. Давлатимиз раҳбари океан ортда яшайдиган ватандошларимиз билан қўришиб, суҳбатлашганини ўша ердаги ҳар бир йигит-қиз алоҳида ҳаяжон билан эслади.

Президентимиз учрашув бошида ҳамма билан сурашганида, менга ҳам эътибор қаратиб, “Мен сизни кузатаман, сизни ўқийман, кўрганимдан хурсандман”, деди ва бу мен учун қутилмаган, жуда ёқимли ҳолат бўлди. Қисқа маърузадан кейин менга ҳам сўз берилди. Иқтисодчи бўлганим учун, албатта, иқтисодиёт ҳақида гапирдим. Чунки мени доим ўйлантирадиган асосий масала бу Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланиши ва фаровонлигидир. Давлатимиз раҳбари билан 30 йилдан ортиқроқ муддатда қандай иқтисодий тараққиётга эришдик ва бу борада яхшироқ натижаларга эриша олган бошқа иқтисодий ривожланган давлатлар, масалан, Хитой, Вьетнам, Польшада қанчалик тез ўсиш бўлгани ва унинг сабаблари ҳақида гаплашдик. Шундан кейин Ўзбекистонда чуқурроқ ислохот қилиш керак бўлган 5 та соҳа ҳақида айтдим. Булар ҳуқуқий муҳит, эркин савдо, капитални эркинлаштириш, инфратузилма барқарорлигини таъминлаш ва илм-фанга давлат томонидан инвестиция киритиш ҳақида эди. Назаримда, жуда очик, соғлом, интерактив мулоқот бўлди. Менга таъсир қилгани, Президентимиз ҳар бир ватандошимизни синчковлик билан эшитиб, “Сизлардек ўғил-қизларимиз борлигидан фахрланаман”, деди.

Мен ўзим каби олим дўстларим билан юртимизнинг иқтисодий ривожланишига ҳисса қўшиш, ҳар қанча маслаҳат билан ёрдам беришга тайёрлигимизни билдирдим. Чунки бизда Ватан битта ва шу Ватанимизга хизмат қилиш барчамиз учун ҳам ифтихор, ҳам мажбуриятдир. Юртимиз тараққиётга бефарқ эмасмиз, фойдамиз тегса, ёрдамга доим тайёрмиз. Давлатимиз раҳбари ҳам биз узокда бўлсак-да, мамлакатимиз тараққиётига кўпроқ ҳисса қўша олишимиз, хориждаги ватандошлар ўз маънаси билан кўмак бериши мумкинлигини таъкидлади. Менга хориждаги ватандошларнинг юртимиз билан мулоқотини ўрнатадиган самарали платформа ишлаб чиқиш, таклиф беришимни айтди.

“Янги Ўзбекистон” мухбири Ирода ТОШМАТОВА ёзиб олди.

